

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 722-ҳадис

وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كُنَّا فَعُودًا حَوْلَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، مَعَنَا أَبُو بَكْرٌ
وَعُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا فِي تَفِيرٍ، فَقَامَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ بَيْنِ أَظْهَرِنَا فَأَبْطَأَ عَلَيْنَا،
وَحَشِينَا أَنْ يُقْتَطِعَ دُونَنَا، وَفَزِعْنَا فَقْمَنَا، فَكُنْتُ أَوَّلَ مَنْ فَرَغَ، فَخَرَجْتُ أَبْشِغِي رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ
عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، حَتَّى أَتَيْتُ حَائِطًا لِلْأَنْصَارِ لِبَنِي النَّجَارِ، فَدُرْتُ بِهِ هَلْ أَجْدُ لَهُ بَابًا، قَلَمْ أَجِدْ، فَإِذَا رَبِيعُ
يَدْحُلُ فِي جَوْفِ حَائِطٍ مِنْ بَيْنِ خَارِجَةٍ - وَالرَّبِيعُ: الْجَدْوُلُ - فَاهْتَفَرْتُ، فَدَخَلْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ
صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «أَبُو هُرَيْرَةَ؟» فَقُلْتُ: نَعَمْ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «مَا شَاءْنُكَ؟» قُلْتُ:
كُنْتَ بَيْنِ أَظْهَرِنَا، فَقُثِمتَ فَأَبْطَأْتَ عَلَيْنَا، فَحَشِينَا أَنْ يُقْتَطِعَ دُونَنَا، فَفَزِعْنَا، فَكُنْتُ أَوَّلَ مَنْ فَرَغَ،
فَأَتَيْتُ هَذَا الْحَائِطَ، فَاهْتَفَرْتُ كَمَا يَحْتَفِرُ التَّعْلُبُ، وَهُؤُلَاءِ النَّاسُ وَرَائِي، فَقَالَ: «يَا أَبَا هُرَيْرَةَ»
وَأَعْطَانِي تَعْلِيهِ فَقَالَ: «إِذْهَبْ بِنَعْلَيِ هَاتِئِنِ، فَمَنْ لَقِيتَ مِنْ وَرَاءِ هَذَا الْحَائِطِ يَشْهُدْ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ
مُسْتَيْقِنًا بِهَا قَلْبُهُ، فَبَشِّرْهُ بِالْجَنَّةِ...» وَدَكَرَ الْحَدِيثَ بِطُولِهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ [31] وَسُبْقُ بِرْ قَمْ 435.

«الرَّبِيعُ» النَّهْرُ الصَّغِيرُ، وَهُوَ الْجَدْوُلُ - بِفَتْحِ الْجَيْمِ - كَمَا فَسَرَهُ فِي الْحَدِيثِ، وَقَوْلُهُ: «اَحْتَفَرْتُ»
رُوِيَ بِالرَّاءِ وَبِالرَّايِ، وَمَعْنَاهُ بِالرَّايِ: تَضَامَنْتُ وَتَصَاغَرْتُ حَتَّى أَمْكَنَنِي الدُّخُولُ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг атрофларида бир неча киши ўтирган эдик. Орамизда Абу Бакр ва Умар ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орамиздан туриб кетдилар-да, ҳаяллаб қолдилар. Биз йўқлигимизда бирор кор-ҳол бўлдимикин, деб қўрқиб кетдик. Ваҳимага тушиб, ўрнимиздан турдик. Биринчи бўлиб ваҳимага тушган мен бўлдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ахтариб чикиб, Бану Нажжорлик ансорийларнинг чорбоғига етиб келдим. Эшигини излаб, атрофини айланиб чиқдим, тополмадим. Қарасам, ташқаридаги қудуқдан

чорбоққа кириб кетган бир ўзан бор экан, - «ар-робииъу» ариқ дегани - тулки суқилганидек суқилиб ўтиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим. У зот: «Абу Ҳурайрами?» дедилар. «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. «Нима гап?» дедилар. «Орамизда эдингиз, туриб кетиб, ҳаяллаб қолдингиз. Биз йўқлигимизда бирор кор-ҳол бўлдимикин, деб қўрқиб, ваҳимага тушдик. Биринчи бўлиб ваҳимага тушган мен бўлдим. Манави чорбоққа келиб, тулки суқилганидек суқилиб ўтдим. Анави одамлар ҳам ортимда туришибди», дедим. У зот шиппакларини бериб, «Эй Абу Ҳурайра, мана бу шиппагимни олгин-да, чорбоқнинг ортида «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ», деб чин қалбдан ишониб гувоҳлик берадиган кимни учратсанг, унга жаннат хушхабарини бер...», деб ҳадисни узун шаклида зикр қилдилар.

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

